АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИДА АДОЛАТ МЕЗОНЛАРИ (БАҲОРИСТОН АСАРИ АСОСИДА)

Лутфилло Караматиллоевич Ахатов
Чирчиқ Давлат педагогика институти катта ўқитувчиси

АННОТАТЦИЯ

“Баҳористон” асаридаги адолат мезонлари муҳим аҳамиятга эга. Бугунги даварда ҳам адолат ва адолатсизликларга мисолдир. Асардаги образлар орқали ахлоқ ва инсон омили ҳақида сўз боради. Бугунги муҳим масалалардан бири ҳам айнан адолат ва унга амал қилиш масаласидир.

Калит сўзлар: Жомий, Баҳористон, адолат, Жаннат, давлат, ахлоқ, ёшлар, таълим.

CRITERIA OF JUSTICE IN THE PUBLIC SCIENTIFIC HERITAGE OF ABDURAHMAN JAMI (ON THE BASIS OF BAHORISTON)

Lutfillo Karamatilloevich Akhatov
Senior teacher of Chirchik State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The criteria for fairness in “Bahoriston” are important. It is also an example of justice and injustice in the modern world. The images in the work are dedicated to morality and the human factor. One of the most important issues today is the issue of justice and its observance.

Keywords: Jami, Bahoristan, justice, Paradise, state, morality, youth, education.

КИРИШ

Мавлоно Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асари равзалари (Жаннат равзалари), яъни боғларига сайр қилар экансиз, ундаги ҳар бир муаттар (Ҳикматли ҳикоя)лардан баҳрамад бўлиб, унга сармас бўлишлигиз табиий ҳол албатта. Аммо бу боғлар шунчаки гўзаллик таратувчи зебу-зенат эмас, балки, жафокаш халқнинг дарду – ҳасратларини ўзига жо этиб, жамиятга нисбаттан адолатсизлик ҳукмини ўтказишга ўринган нобакор раҳбарларнинг фаолиятини беаёв танқидга олинган, адолат бунёдкори сифатида гавдаланган буюк маънавият гулшани демакдир.

Жомий ҳазратларининг “Баҳористон” асарларидаги иккинчи равзада ифодаланган шоҳ Искандарга қарата келтирилган панднома – ўгитларни таҳлил қилишни ихтиёр қилдек. Зеро, фикри ожизимизга маълум маънода асосли манба сифатида олган бўлар эдек.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Искандар Румий жаҳонгирлик даврида ҳийла билан бир қалъани забт этиб эрди, уни вайрон қилишга фармон берди. Искандарга:

–Кимки қул остидагиларга мушт билан рўпара бўлмиш, охирида ўзи мушт еганлар, тепкисидан ўлмиш.

Бир яхши сўзим бор, қулоқ сол, эй дил,
Қолмиш донолардан мерос ўлароқ.
Ким тортса адоват қиличин қиндан,
Адоват тиғидан бўлади ҳалок.

Искандарнинг қулоқлари бу ҳикмат жавоҳирларига тўлиши билан у оғзини ҳам қулоқларига ўхшатиб жавоҳирга тўла сўзлар айтди ва қалъани бузиш ниятидан қайтди.

Ушбу мисраларни таҳлил қилар эканмиз, қўйдаги маъно шакилланганлигини кўришимиз мумкин:

Донишмандниng Искандар Румийга ***Бир яхши сўзим бор, қулоқ сол, эй дил,*** деб ўз кўнглига таскин беришлик орқали ***қулоқ сол, эй дил*** деб биринчи кўнгил хотиржамлик ва ботиний – қалб ҳаловати орқали ***Бир яхши сўзим бор*** бу сўзга қулоқ сол, деб қалб хотиржамлигига эришиш донишманд (пир – устоз)лар илму – насиҳати орқали амалга оширилишига урғу берилмоқда. Шу билан бирга пир (донишманд)лар маънавий меросини ***Қолмиш донолардан мерос ўлароқ***, деб қалб хотиржамлигига эришиш учун (спорт соҳасида бу ички хотиржамлик дейилади) ботиний – қалб поклиги ва маънавий саводхонликка эриш бу донишмандлардан қолган мерос сифатида баҳоланмоқда. Шу билан бирга агарда кимдир пир (донишманд)лар сўзини рад этса, ва ***Ким тортса адоват қиличин қиндан***, ўз билгани бўйича ҳаракатланса, яъни ғазаб отига миниб, кибру – ҳавога берилиб адолат тарозиси ўрнига ***адоват қиличин*** ишга соладиган бўлса ***Адоват тиғидан бўлади ҳалок***, деб адолат тарозисининг палласини инобатга олмай, ***Адоват тиғидан*** фойдаланадиган бўлса, ўша ***Адоват тиғидан ҳалок*** бўлишлигини, яъни қалбининг адоват ва разолат ботқоғига ботиб қолишлиги (нафс балосига мубтало бўлишлиги) орқали дунё

зебу – зейнатларига маҳлиё бўлишлиги орқали хароб бўлишлигини баён қилганликларини кўришимиз мумкин.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Тарих тамаддунидан маълумки инсоният яратган маънавий бойликлар орасида фалсафий мавқега эга бўлган ҳикматлар хазинаси, атоқли алломалар мероси, уларнинг асарлари муҳим ўрин эгаллайдиган хазинани бунёд этиш лозим. Зеро, ушбу мавзуни ўрганишдан ва маънавий саводхонликни шакллантиришдан мақсад, биринчи Президентимиз Ислом Абдуғаниевич таъбири билан айтганда, ёш авлод қалбида мафкуравий иммунитетни шакллантириш, “Ёшларимизнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлаш, иродасини бақувват қилиш, уларни ўз мустақил фикрига эга бўлган баркамол инсонлар этиб тарбиялаш. Уларнинг тафаккурида ўзлигини унутмаслик, ота-боболарнинг муқаддас қадриятларини асраб-авайлаш ва ҳурмат қилиш фазилатини қарор топтириш” дан иборат бўлмоғлигида.

Унутмаслик керакки “Қадимий Мовороуннаҳр ва Хуросон фарзандларининг жаҳон илму – зиёси тарихига зарварақлар ила битилган асарлари оз эмас. Имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Рудакий, Улуғбек, Жомий, Навоий, Бобур, Абдулло Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа юзлаб зотларни жаҳон яхши билади”

Шиддат билан ўтиб бораётган бир вақтда жаҳон сиёсий майдони миқёсида, айниқса, жонажон Ватанимиз – Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида беқиёс жараёнлар юз бермоқда. Эл-юрт ўз тақдирини хал қилишни ўз қўлига олди. Маънавият, маърифатга хизмат қилиш кучайди. Халқ далат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқ учун хизмат қилишлиги ёркин бир ҳақиқатдир!

Атрофда содир бўлиб турган воқиа ва талотуб жараёнлар кучаеб бораётган бир вақтда, халқаро миқёсда инсоният ўтмиши-тарихида шундай даврлар тарихи борки, унда улуғ ишларга дастак бўлган миллатлар, ўзининг йўлбошчилари етакчилигида ўтмиш-тарихнинг муайян қисқа босқичларида минг йилларда қўлга киритиш мумкин бўлган натижаларга эришганларини кўзатишимиз мумкин.

Тарихдан маълумки XV асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Ҳирот маданий ва илмий марказга айланиб борган. Айниқса, Султон Хусайн Бойқаро хукмдорлиги даврида бу минтақада илм-фан, адабиёт соҳасида юксалиш юз берди. Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий каби жаҳонга машҳур

мутафаккирлар етишиб чиқди. Ўрта аср мумтоз адабиётининг раҳнамоси, улуғ шоир ва мутафаккир Шайх Адураҳмон Жомий (1414-1492)дир. Жомийнинг кўпгина асарларида инсон, адолат, ахлоқ ва маънавий етуклик, муҳаббат, эзгулик ғоялари тасвирланади. Ўрта аср (темурийлар) маданиятининг гуркираб боришига ўзининг ижтимоий-сиёсий ва ахлоқий қарашлари билан мукаммал жамият, адолатли шоҳ тўғрисидаги орзу-умидларини илгари сурган, тенглик, эркинлик, инсоф ва диёнатга асосланган давлат тузими тўғрисида кўплаб асарлар ёзган. Биргина "Баҳористон" асари орқали давлатни бошқариш, адолатли тартибни ўрнатиш, маънавият ва маданият уйғунлигини акс эттириш учун муҳим масалаларни ёритиб берган эди. Ушбу асардаги хар бир равза – боғча алоҳида гўзаллик, эзгулик сифатида гавдаланганлигини кўриш мумкин. "Хафт авранг"га кирган "Юсуф ва Зулайҳо", "Лайли ва Мажнун", "Ҳирадномайи Искандарий" достонларида ишқ ва муҳаббат, дўстлик ва биродарлик, меҳр-шафқат, ўзаро ёрдам, билимдонлик ва бошқа инсоний қадриятларни баён этган. Абдураҳмон Жомий ижодида адабий асарлардан ташқари дин ва тасаввуф таълимотига бағишланган мавзуларни хам кўришимиз мумкин. Давлат миқёсида маданиятни ривожлантириш учун ўз асарлари билан алоҳида ўрин тутган. Абдураҳмон Жомийнинг дин ва фалсафани уйғунлаштириш, шу йўл орқали фалсафий фикрлар ривожланишига замин яратишда алоҳида хизматлари катта. Биргина "Нафоҳот ул-унс" асари олти юз ўн олти машғҳур сўфийлар ҳаётига бағишланган бўлиб, бу асар сўфиларнинг фалсафий-ирфоний ва аҳлоқий қарашларини ўрганишда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади. Ҳазрати зулжалолга ҳамиша ибодат билан машғул бўлишларига қарамай вақтларини бекор ўтказмасдилар.

Ҳазрат Жомий асарларининг маъносига эътибор берадиган бўлсак, асарларининг кўпи гарчанд диний руҳда битилган бўлсада, маънавий юксалиш, маънавий баркамоллик, адл ва адолат категорияларининг эъзозланишини, давлат бошқарувини одилона бошқариш кераклигини баён этганлигини кўришимиз мумкин.

Абдураҳмон Жомий нафақат темурийлар даври маданиятига балки, жаҳон маданияти равнақига улкан ҳисса қўшган сиймолардандир. Тарихнинг ўчмас сийрати сифатида ўз асарлари билан алоҳида ўрин эгаллаган мутафаккирлар асарларини таҳлил қилиш, ўрганиш, ёш авлодга татбиқ этиш хар бир давр талаби ва вазифаси бўлиб келган.

Жомий асарларида адл категорияси хам алохида мақомга эга. Бундай вазифани (асарларни) ўрганишимиз ва татбиқ этишимиз баркамол авлодни тарбиялашда, мамлакат тараққиётига алоҳида ўрнак бўлувчи муҳим вазифа

бўлмоғи даркор. Агар инсон ўз фарзандига ёшлигидан тарбия – таълимни мукаммал сингдирмаса, вақт ўтган сари жамиятнинг мувозанати тошсиз тарозига ўхшаб қолиши муқаррар. Ёш авлодни баркамоллиги учун ҳаммамиз ҳар кун қайғурмоғимиз лозим. Биз бугун агар фарзандимизни гўдаклигидан қўлини ювишни ўргатмасак, вақт ўтиши билан қўлини ювмай дастурхон атрофига келиши муқаррар! Тарбия – таълим жараёнлари бир – бирини тўлдириб, ажралмас онг маҳсули сифатида ҳаётга тадбиқ этилади. “Чунончи, - деди Биринчи Президент Ислом Абдуғаниевич таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим – тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад – озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди”.

Мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Фақат ўқимишли ва маънан бой одамларгина муаммоларини урушлар ёрдамида ҳал қилишни мутлақо рад этишга қодир жамиятни шакллантириши мумкин. Ана шундай инсонлар маънавий етук ва маънавий қашшоқ одамлар хақида Ислом Каримов ўз асарида шундай дейди: “Албатта, бу дунёда халол ва пок яшашни ўзи учун хаётий эътиқод, олий мақсад деб биладиган одамлар кўпчиликни ташкил қилади. Айнан анашундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ олмада маънавият хамиша барқарор бўлиб келади...” Ватанимизнинг маънавият гулшанини бойитиш, ўрганиш, баён этиш замон зайлининг ўчмас иродаси бўлиб қолиши керак. Давлатни бошқариш, назорат қилиш эса айнан маънавийт ва маърифат қаймоғи бўлмиш адл (адолат) категориясининг ядроси (маркази) инсон тафаккуридан, иймон-эътиқоди, қалби орқали бунёд этилишини унутмаслик лозим.

Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон” асаридаги равзалар талқинини баён қилар эканмиз, *1 – равза* “Дарвишлар ҳақида ҳикоят” бобида шундай мисралар мавжуд: Ҳирот пирларидан Абдуллоҳ Ансорий... Ўз асҳобларига васият қилиб: “Ҳар пирдан бир сўз эслаб қолинг, агар бу қўлингиздан келмаса, уларнинг исмини ёд олинг, бундан баҳра топасиз”, дер эди.

Эй сенинг номингдан ёғилади ишқ,
Нома – пайғомингдан ёғилади ишқ.
Кўчангдан ким ўтса бўлади ошиқ,
Эшигу томингдан ёғилади ишқ.

Юқоридаги мисраларни таҳлил қилар эканмиз, Ислом динидаги муқаддас манба бўлмиш Қуръони Каримдан сўнг иккинчи ўринда ҳисобланган Ҳадиси шарифдаги “Олим бўлинг ёки устоз тутиб уларга эргашинг, қўлингиздан келмаса, улар (Олимлар)ни севувчи бўлинг” мазмунидаги ҳадисга мослигини кўрамиз. бундан кўриниб турибтики, “Баҳористон”даги панднома ўгитларнинг асл моҳияти ахлоқ ва диний – ирфоний маърифатнинг ёрқин мазмунидан ташкил топган, мукаммал панднома асарлардан ҳисобланади.

Мисраларни таҳлил қилганимизда қўйдаги мазмун (маъно) шакилланганлигини кўрамиз*:* Ҳирот пирларидан (ўша пайтда Моваройуннаҳр - Ҳиротда пирлар кўп бўлган, мисол учун биларга таниш: Жомий, Навоий каби пирлар шулар сирасидан) бўлмиш Абдуллоҳ Ансорийнинг ўз асҳобларига қарата қилган панд – насиҳатларини ***Эй сенинг номингдан ёғилади ишқ,*** яъни, устоз (пир)дан бир ҳикмат ўрганиш мақсадида, у(устоз – пир)нинг номи (исми)даги ҳикмат (ўхшатиш санъати билан мажозий маъно беради) нақадар мафтункор, яъники, у(устоз)нинг илмидан кўплаб инсонлар манфаатдор бўлишлиги, шунинг учун унинг номидан ***ёғилади ишқ,*** унинг номига кўплаб мақтовлар бўлади. Тарих тамаддунини шарҳлар эканмиз, “Навоийнинг 1476 йилда Мавлоно Жомийни ўзига тариқат йўлидаги устози, пир деб қабул қилганлигини кўришимиз мумкин”.

Нома – пайғомингдан ёғилади ишқ, яъни, ***Нома – пайғом*** бу устоз (пир) томонидан бунёд этилган ***Нома*** – асарлар назарда тутилмоқда. Устоз (Пир) томонидан шакиллантирилган ахлоқий панднома асарлар ва унинг мазмун – моҳиятидан ***ёғилади ишқ,*** яъни, ушбу асарларга муҳаббат қўйишлик, дўстлик ришталарининг боғланишлиги назарда тутилмоқда.

Кўчангдан ким ўтса бўлади ошиқ, бунда устоз(пир)нинг кўчасидан ўтган, яъни, унинг маълум маънода, бирон – бир асарларидан хавардор (таниш) бўлган кишилар ***ўтса бўлади ошиқ,*** деб унинг (асарларнинг) мазмун – моҳиятига маҳлиё (***ошиқ***) бўлишлиги баён этилган.

Эшигу томингдан ёғилади ишқ, яъни, пир (донишманд – устоз, олим)нинг авлодларга атаб бунёд этган маънавий меросларини қайси томонидан қарамайлик, ***эшигу томидан*** – мазмуни ва моҳияти билан ёшларнинг ахлоқий қарашларини шакиллантирувчи омилларидан ***ёғилади ишқ,*** яъни у асарларга (ахлоқий нормаларга) муҳаббат шакилланади, деб таърифланмоқда.

Бундан ташқари ҳазрат Жомийнинг “Баҳористон” асарларидаги *1 – равза “*Дарвишлар ҳақида ҳикоят” бобини таҳлил қилар эканмиз, юракларни кибру – ҳаво, разолат ва нафратлар тозалашлик масаласи баёнига кўзимиз тушади:

Ҳошим Суфий дебди:

– Юракдан кибр разолатин ювишдан кўра, тоғни игна учи билан қўпориш осон.

Кибрсизлик лофин урма, уни кўрмоқдан кўра
Қоронғи тун чумолининг изин кўрмак осонроқ.
Кибр гардин аритмоқдан осон эрур шубҳасиз,
Игна билан тоғни қазиб остин – устун қўпормоқ.

Демакки, ***Кибрсизлик лофин урма, уни кўрмоқдан кўра,*** инсонларга хос бўлган кибрларга берилиб, мақтанчоқлик қилгандан кўра, ва унга сайқал беришлик (кўпайтиришлик)дан кўра, ***Қоронғи тун чумолининг изин кўрмак осонроқ –*** нурсиз қоронғулик (зулмат)да йуриб, ***чумолининг изин кўрмак осонроқ,*** деб баҳоланмоқда. Маълумки, чумоли изини кундуз кунда ҳам пайқашлик душвор албатта. Шунинг учун кибрга берилиб, мақтанчоғлик қилгандан кўра, қоронғу – зулматда чумоли изи (поклик ва софлик маърифатини шакиллантири йўли)ни топишлик лозим деб айтилмоқда. Чумолилар машаққат билан меҳнат қилиб, ўзларининг ризқларини йиғишлари, ҳалол ва пок кун кечиришлари барчамизга маълум ва машҳур албатта. Юқоридаги мисралардан қўйдаги маъно келиб чиқади: Ҳой – ҳавасга берилиб, кибр билан яшагандан (бошқаларни минсимай, ғуддайиб яшагандан) кўра, ҳалол ва пок ризқ (Исломда луқмайи пок деб аталади) илинжида маърифат истаб, маънавий саводхонликка ўз ҳиссасини қўшиб яшагани маъқуллиги баён этилмоқда.

Кейинги мисрада ***Кибр гардин аритмоқдан осон эрур шубҳасиз,*** яъни, кибр жойлашган юракларни тозалашдан кўра, ***Игна билан тоғни қазиб остин – устун қўпормоқ,*** деб баҳоланмоқда. Бундан маълумки, тоғ тошлардан иборат бўлган мустаҳкам тепалик бўлиб, ***Игна билан тоғни қазиб*** олиш қанчалик машаққат ҳисобланади. Бу эса ўз – ўзидан маълумки, ахлоқий иллатларнинг нақадар тубанликка қараб шунғишларга мойиллигини кўрсатади.

ХУЛОСА

Ҳикмат шуки, асардаги панд-насиҳат орқали акс эттирилган адолат мезонлари бугунги кунда ҳам муҳим аҳамиятга эгалигидадир. Ёшларга ватанпарварлик ҳақида гапиргандан кўра, ватанпарварликни шакллантирувчи омилларга бой бўлган асарларни “Шарқона таълим” асосида сингдириб бориш лозим. Зотан, ватанпарвалик сўзда эмас, амалдаги моҳиятда кўринади!

REFERENCES

1. عبد الرحمن جامي : غافور غولام – ثتاشكند سانى 1971 -301 سحيفة

2. И.Каримов “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” Т. Ўзб. 2012й. 250 б

3. Ш. Рокумий “Тарихи томм” – Т. Маънавият 1998 й 53-55 б.

4. И. Каримов “Баркамол авлод орзуси” Тошкент – 2000 й. 3 – б.

5. Жомий ва ўзбек адабиёти Халқаро илмий анжуман материаллари. “Ал-Ҳудо” халқаро нашриёти ва “Мовароуннаҳр” нашриёти., Тошкент., 2005 й. 27-б